

2021 йилги ижтимоий-иқисодий ривожлантириш якунлари ҳамда

2022 йилги режалар тўғрисида

вилоят ҳокими в.б. Н.Т.Турсуновнинг

МУРОЖААТНОМАСИ

Ассалому-алайкум ҳурматли депутатлар,

Сессия иштирокчилари, қадрли дўстлар,

Тадбиримизда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, нодавлат ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари иштирок этишмоқда.

Бугунги мурожаатномани Давлатимиз Раҳбарининг жорий йил 6 ноябрда Президентлик лавозимида киришишларидаги тантанали маросимда – **“Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси миллий ривожланишимизнинг янги босқичини “инсон – жамият – давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этиш, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойил асосида олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш”га қаратилган ғоялари билан бошламоқчиман.**

Албатта, инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришни тушунамиз.

Чунки, ўз-ўзидан равшанки, глобаллашув ва кескин рақобат замони, шиддат билан ўзгараётган ҳаёт бизнинг олдимизга кечиктириб бўлмайдиган, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Олдимизга қўйилган вазифаларни виждонан бажаришда мамлакатимиз қонунлари, Давлатимиз Раҳбари ва Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар дастурил амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Давлатимиз Раҳбарининг ташаббуслари билан ҳокимларнинг кенг жамоатчиликка **2021 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2022 йилги режалар тўғрисида** Мурожаатномаси тақдим этилмоқда.

Бугунга қадар (14-15 декабр кунлари) **барча шаҳар ва туманларимизда ҳокимларнинг кенг жамоатчиликка ва халқимизга мурожаатнома-лари қабул қилиниб**, жорий йил учун белгилаб олинган вазифаларнинг ижро натижаси юзасидан ҳисоботлар берилди ҳамда келгуси йилги устувор йўналиш ва вазифалар белгилаб олинди.

Ҳамма мутасадди раҳбарлар бир ҳақиқатни тушуниши керак, ислохотларнинг амалий натижадорлигини ошириш, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолининг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлиши биз учун жуда муҳим.

Шу нуқтаи назардан, **барча тоифадаги раҳбарлар ўзига юклатилган вазифаларни қайтадан кўриб чиқиши, халқнинг ичига кириб бориши, уларнинг талаб истакларини тушуниб етиши ва шу асосда ишларни йўлга қўйиш шарт** деб ўйлайман.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари,

Рухсатларингиз билан, “2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да **кутилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари ва натижаларига** қисқача тўхталиб ўтсам.

Аввало, жорий йил якунлари бўйича вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг **асосий макроиқтисодий кўрсаткичларига** эътибор қаратадиган бўлсак, йил якунида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми **106,2 фоизга**, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **106,9 фоизга**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **103,7 фоизга**, қурилиш-пудрат ишлари **103,2 фоизга**, хизматлар ҳажми **120,9 фоизга** ўсиши,

аҳоли жон бошига эса саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2020 йилга нисбатан **4,5 млн** сўмга ошиб **66,3 млн** сўмни ташкил этиши ёки **107,0 фоизга** ўсиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **1,0 млн** сўмга

ошиб **12,0 млн** сўмни (**103,4%**), чакана савдо айланмаси **1 млн** сўмга ошиб **8,8 млн.** сўмни (**113,6%**), хизматлар ҳажми **1,7 млн** сўмга ошиб **7,1 млн** сўмни (**118%**) ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, **18680 та янги иш ўринлари** яратилиб, бандлик дастурининг ижроси **105 фоизга** бажарилиши, аҳолининг ишсизлик даражаси йил бошидаги **8,0 фоиздан 6,0 фоизга** камайиши кутилмоқда.

Бюджетга 2811,6 млрд сўмлик тушумлар тушиши, шундан маҳаллий бюджетга **1939,3 млрд** сўм тушумлар тушириш ҳамда вилоят ихтиёрига **140 млрд** сўм эркин қолдиқ маблағлари қолиши режалаштирилган.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастурига асосан, жами қиймати **3088,9 млрд** сўмлик **1015 та лойиҳалар** ишга туширилиб, уларнинг эвазига **8103 та** янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Вилоятимизда **183,3 млн.** долларлик **хорижий инвестициялар** ўзлаштирилиб, унинг миқдори 2020 йилга нисбатан **109 фоизга** ўсиши, **177,5 млн.** долларлик маҳсулот **экспорти** амалга оширилиб, унинг ҳажми **127 фоизга** ва экспортёр корхонлар сони эса **12 тага** ошиши кутилмоқда.

Жорий йилда **"Темир дафтар"**га киритилган **19378 та** оилага ҳамда **"Ёшлар дафтари"** ва **"Аёллар дафтари"**га киритилган жами **48 минг нафардан** зиёд фуқароларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилди, жами **3 та** (Темир, Ёшлар, Аёллар) жамғармага маҳаллий бюджетдан **33,7 млрд.** сўм маблағ ажратилди.

Ҳурматли депутатлар,

Жорий йилда **756 км ички йўллар** таъмирланиб, **14 фоиз** ички йўлларнинг аҳволи яхшиланди.

Шу йилнинг ўзида **232 км ичимлик сув** тармоғи қурилиб, таъминланганлик даражаси йил бошига нисбатан **66,1 фоиздан 70,4 фоизга** етди.

Электр таъминоти бўйича жорий йилда **986,7 км** тармоқ ва **210 дона** трансформатор пунктлари реконструкция ва модернизация қилинди. Амалга оширилган ишлар натижасида **17 мингдан** ортиқ

оилалар, **1,5** мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ҳамда **400** дан ортиқ ижтимоий соҳа муассасаларининг электр таъминоти яхшиланди.

Уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам шу йилнинг ўзида **3** минг **629** хонадонли кўп қаватли уйлар қурилди, натижада **15** минг нафардан ортиқ аҳоли уй-жой билан таъминланди.

Ижтимоий соҳа инфратузилмасини яхшилаш мақсадида жорий йил давомида **жами 363 та** объектларда, жумладан **13 та** боғча, **224 та** мактаб, **13 та** тиббиёт ҳамда **113 та** бошқа ижтимоий соҳа муассасаларида қурилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ушбу мақсадларга **312** млрд сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилди.

Мактабгача таълим соҳасига давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ жорий йилда **257,1** млрд. сўмни ташкил этиб, жорий йилнинг ўзида мактабгача таълим ташкилотлари сони **1151 га** етди ва қамров даражаси **87,2** фоизга етказилди.

Умумтаълим мактабларида компьютер ускуналари билан таъминланиши ҳамда оптик толали тез Интернет **100** фоизга етказилди, вилоятдаги умумтаълим битирувчиларининг **7,8** минг нафари ёки **61** фоизи (республикада энг юқори ўрин) олий таълим талабалари бўлишди.

Соғлиқни сақлаш тизими бўйича вилоятга **54 нафар** хорижлик мутахассислар таклиф қилиниб, улар билан ҳамкорликда **100** дан зиёд мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида **туғма юрак нуқсонли бемор болаларда** биринчи марта сунъий қон айлантириш аппаратлари орқали **очик юрак операциялари** ва **буйрак трансплантацияси** йўлга қўйилди.

Тизимга жорий йилда ушбу мақсадлар учун **606,5** млрд сўм ҳамда дори-дармон таъминоти учун **30,4** млрд сўм маблағлар йўналтирилди.

Қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда **анъанавий ёндашувлардан воз кечиб**, деҳқонлар даромадини кўпайтирадиган, экспортбоп маҳсулотларни етиштириш устида тинмай изланишлар олиб борилмоқда.

Ислоҳотлар аҳолининг барча қатламлари манфаатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда, деҳқон ва фермерлар, кластер хўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айланди.

Ташкил этилган **кластерлар томонидан** амалга оширилаётган ишлар сабабли ҳозирда пахта **ҳосилдорлиги сезиларли даражада** ўсди. Бундан **4-5** йил аввал **ҳосилдорлик 28 центнер** бўлган бўлса, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида бугунги кунда биринчи теримнинг ўзи билан **32 центнердан 40 центнергача** ҳосилдорликка эришилмоқда.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари,

Барчамизга маълумки, Давлатимиз Раҳбарининг Навоий вилояти сайловчилари билан учрашуви давомида вилоятнинг **2022-2026 йилларда режалаштирилган асосий вазифа ва мақсадли параметрларини белгилаб бердилар.**

Мазкур белгилаб берилган мақсадли кўрсаткичлар ижросини таъминлаш юзасидан Навоий вилоятини **2022–2026 йилларда** ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича **чора-тадбирлар Дастури** ишлаб чиқилди.

Хусусан, **кейинги беш йилликда:** вилоят аҳолисига **муносиб яшаш шароити яратилиб,** инфратузилма билан боғлиқ масалалар ҳал этилади.

Жумладан, Навоий шаҳрида **янги массив** барпо этилиб, **4 минг** хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйлар, мактаб, боғча ва бошқа ижтимоий объектлар барпо этилади. Зарафшон шаҳри ҳудуди кенгайтирилиб, кўшимча **30 минг** аҳоли яшаши учун, замонавий инфратузилмага эга бўлган, **“Саноатчилар шаҳарчаси”** қурилади. Бошқа туманларда **14 минг** хонадонли **400 та кўп қаватли уй-жойлар** қурилади.

Навоий шароитида энг долзарб масалалардан бири – аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳисобланади. Шу боис, келгуси беш йилда вилоятда **1 минг километрдан зиёд ичимлик суви** ва **90 километр канализация тармоқлари** қурилади. Вилоятда марказлашган ичимлик суви таъминоти даражаси **69 фоиздан**

84 фоизга етказилади.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида, келгуси беш йилда **100** та қишлоқ ва маҳалла обод қилинади. Бунга, бюджетдан ҳар йили камида **600** млрд сўм йўналтирилади.

Шунингдек, келгуси беш йилда **5** минг километр **электр** тармоғи, **1** мингдан зиёд **трансформаторлар** янгидан қурилади. Вилоятда **6** минг км **автомобиль йўллари**, **186** та **кўприк** қурилади ва таъмирланади.

Келгуси беш йилда вилоятда **15** млрд долларлик **2,2** мингта **инвестиция лойиҳаси** амалга оширилиб, **75** мингта янги иш ўрни яратилади.

Фақат йирик саноат корхоналарига суяниб қолмасдан, вилоятдаги имкониятларни тўлиқ ишга солиб, **маҳаллий саноат** жадал ривожлантирилади, инвестициялар ва экспорт кескин кўпайтирилади. Натижада, вилоятда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми **40** фоизга, жумладан ҳудудий саноат **2** баробарга ошади.

Қурилиш материаллари саноатида **77** миллион доллар инвестициялар ҳисобига, **235** та лойиҳа амалга оширилади ва **15** мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Тўқимачилик саноатида келгуси беш йилда **290** млн доллар бўлган **120** та йирик лойиҳа ишга туширилиб, **27** мингта иш ўринлари ташкил этилади. **Қизилтепа**, **Навбахор** ва **Хатирчида** **55** млн долларлик тўқимачилик корхоналари ишга туширилиб, мато ва тайёр кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Натижада, газлама мато ишлаб чиқариш **10** баробарга, трикотаж мато **3** баробарга ва тайёр тўқимачилик маҳсулотлари **2** баробарга оширилади.

Электротехника саноатида **192** млн доллар бўлган **19** та лойиҳа амалга оширилади ва **1,5** мингта иш ўрни яратилади. Бу йўналишда ишлаб чиқариш ҳажмлари **5** баробарга кўпайиб, **450** млн долларлик электротехника маҳсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилади.

Чарм-пойабзал саноатида **110** млн долларлик **68** та лойиҳалар доирасида **13** мингта янги иш ташкил этилади. Натижада, пойабзал ишлаб

чиқариш қувватлари **3 баробарга**, чарм-атторлик маҳсулотлари ва чармдан кийим ишлаб чиқариш **2 баробарга** оширилади.

Чарм-пойабзал саноати учун хом ашё базасини кенгайтириш мақсадида чўл ҳудудлардаги **20 минг** гектар **яйлов ёшларга** тақсимланади ва зарур сув қудуқлари қазиб берилади.

“Маҳаллабай” ишлаш асосида, ҳар бир туман ва шаҳарда кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва **камбағалликни қисқартиришга** алоҳида эътибор қаратилади.

Авваламбор, вилоятда келгуси беш йилда **кичик бизнесни** кўллаб-қувватлаш орқали, **70 мингта** янги иш жойлари яратилади.

Вилоятда барча инфратузилмага эга **48 та кичик саноат зонаси** ташкил этилиб, уларда **600 та** лойиҳа амалга оширилади, **10 мингта** иш ўрни ташкил этилади.

Шунингдек, **оилавий тадбиркорлик** дастурлари доирасида ҳар йили **530 млрд** сўмдан зиёд маблағлар ажратилади.

Қадрли дўстлар,

Мавжуд резервларни ишга солиш ҳисобига, **қишлоқ хўжалиги** маҳсулотлари ҳажмини **2 баробарга** ошириш чоралари кўрилади.

Келгуси беш йилда **фойдаланишдан чиққан 50 минг гектар** ер ўзлаштирилиб, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик ривожлантирилади. Бу қарийб **35 минг** аҳолини банд қилиш имконини беради.

Қизилтепа, Кармана, Навбахор ва **Хатирчида 14 минг** гектарда янги **токзорлар** ҳамда **5 минг** гектарда **интенсив боғлар** барпо этилади. Натижада, **20 мингдан** ортиқ аҳоли банд бўлади.

Вилоятда **1 минг** гектарда замонавий **иссиқхоналар** ишга туширилади ва **3 минг** хонадонда ихчам иссиқхоналар қурилади. Бунда, **7 мингдан** ортиқ аҳоли банд бўлади.

Томдида **3 минг** бошга мўлжалланган **туячилик**, Учқудукда **4 минг** бош **йилқичилик** комплекслари ишга туширилади.

Вилоятда **балиқ** етиштириш ҳажми **3 баробарга** кўпайтирилиб, **40 минг** тоннага етказилади.

Хурматли депутатлар,

Келгуси беш йилда Навоий вилоятида **12 минг** олий, ишчи касблар бўйича **40 минг** ўрта маълумотли мутахассисларга талаб бўлади.

Шу сабабли, **Навоий кончилик институти** негизида қарийб **15 минг** талабани ўқитадиган **Политехника университети** ташкил этилади.

Ушбу олийгоҳда, нуфузли хорижий университетлар билан қўшма дастурлар, замонавий лабораториялар, жаҳоннинг етакчи олимлари иштирокида амалий-инновация марказлари фаолият олиб боради.

Шунингдек, **Навоий давлат педагогика институти** қувватлари қўшимча **6 минг** ўринга кенгайтирилади.

Натижада, вилоятда **20 та** янги йўналишлар очилиб, олий таълим билан қамров даражаси **37 фоиздан 60 фоизга** етади.

Аҳолига **тиббий хизматлар** кўрсатиш сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқилади.

Жумладан, **40 ёшдан** ошган **148 минг** нафар аёллар ҳар йили **онкологик скрининг** текширувидан ўтказилади. Хатирчи, Навбаҳор туманлари ва Зарафшонда **перинатал марказлар**, шунингдек Зарафшонда **ўткир қон-томир касалликлари** ва шикастланиш маркази ташкил қилинади.

Барча ихтисослашган тиббий хизматларни бир жойда кўрсатиш ва сифатини ошириш учун, Навоий шаҳрида **“тиббиёт кластери”** ташкил этилади.

Бунда, вилоят кўп тармоқли маркази ҳамда **эндокринология, онкология, офтальмология, урология** ва **травматология** шифохоналари бирлашиб, **600 ўринли марказ** барпо этилади.

Вилоятда катта ёшли аҳоли учун, **150 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси** қурилади.

Ногиронлиги бўлган ва тиббий реабилитацияга муҳтож беморлар учун, **минтақавий реабилитация маркази** барпо этилиб, барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари,

Рухсатларингиз билан, юқорида таъкидлаганимиздек Давлатимиз Раҳбари томонидан келгуси беш йиллик учун белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, **2022 йилда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни тасдиқлаб олишимиз зарур.**

Бунда биз аввало ҳурматли Президентимизнинг **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқ учун хизмат қилиш керак”** - деган ташаббуслари орқали ишларни келишиб олсак ўйлайманки мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлатимиз Раҳбари ҳар доим пастга тушиш, маҳаллабай юриб, халқга яқин бориш, уларни дардини, муаммосини эшитишни биринчи даражали масалага қилиб олдимизга қўйиб келадилар.

Шундан келиб чиқиб, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари, ташкилот ва муассаса раҳбарлари томонидан жойларда **сайёр қабуллар, учрашувлар** ўтказиб келинмоқда.

Жорий йил бошидан буён **35 мартаба** сайёр қабул ва учрашувлар ўтказилиб, уларда (**760 киши** иштирокчи) **890 дан** ортиқ масалалар кўтарилди.

Биргина, 9 декабр куни Халқ қабулхонасида ўтказилган қабулимиз **8 соатдан** зиёд давом этиб, унда **120 дан** ортиқ **фуқароларнинг муурожаатлари** муаммолар қабул қилиниб, уларнинг ярмидан кўпи жойида ҳал этилди.

Албатта, бу ишларимиз келгуси йилда давом эттирилиб маҳаллаларга чуқурроқ тушамиз. Мажлисларни ҳам вилоят ёки туман миқёсида эмас, **маҳалланинг ўзида ўтказиб, масалаларни жойида муҳокама қилиш тизими** жорий этилади.

Хабарларингиз бор, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусини амалга оширишга кўмаклашиш, даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш мақсадида ҳурматли Юртбошимизнинг ташаббуси билан жойларда **“ҳоким ёрдамчилари”** лавозими жорий этилди.

Шунга мувофиқ, иқтисодий тараққиёт, молия, бандлик, инвестиция, давлат солиқ, тижорат банклари, маҳаллий ҳокимликлар, иқтисодий ва инвестиция комплексига кирувчи бошқа идораларининг **330 нафар раҳбар** ходимлардан иборат “ҳоким ёрдамчиси” танлаб олинди. Шундан, ҳудудларда ўз ихтиёри билан ўз маҳалласини ривожлантиришга бел боғлаган шижоатли **55 та тадбиркорлар** танлаб олинди.

*Мисол учун, тадбиркорлик соҳаси ривожланмаган ва ишсизлик даражаси юқори ҳисобланган **Нурота туман, Амир Темур МФЙга** Нурота туман ҳокимининг биринчи ўринбосари **Назаров Музаффар Бердибоевич** номзоди;*

*Муҳандислик инфратузилмаси ва тадбиркорлик соҳаси ривожланмаган ўзоқ чул ҳудуди ҳисобланган **Томди туман, Сукетти ОФЙга** Томди тумани ҳокимининг жамоатчилик бўйича маслаҳатчиси **Турмаханов Жанибек Мусилимович** номзоди;*

*Маҳалла ихтисослашуви паррандачилик ҳисобланган **Малик МФЙ** аҳолисини паррандачилик йўналиши бўйича кооперация асосида тадбиркорликга боғлаш мақсадида **Кармана тумани "Малик" МФЙга паррандачилик йўналишидаги "KARMANA GOLDEN EGGS"** МЧЖ раҳбари **Сувонов Азиз Аслонович** номзоди;*

*Ўзоқ тоғли ҳудуд ва ишсизлик даражаси юқори маҳалла ҳисобланган **Хатирчи туман, Сангужуман МФЙга** Хатирчи туман ҳокимлиги молия бўлими мудири **Қаххоров Жамшид Нажмиддинович;***

Навоий шаҳар, Ўзбекистон МФЙ** аҳолининг турар-жойларининг муҳандислик тармоқлари таъмирталаблиги сабаб **Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бошлиги **Адизов Валижон Юсупович* номзоди “ҳоким ёрдамчиси” лавозимига маъқул топилди.*

Ўз навбатида, 2022 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари учун **540 млрд** сўм **кредит** маблағлари ҳамда аҳолини тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўзини-ўзи банд қилиш ва иш билан таъминлаш учун **113 млрд 381 млн** сўм **субсидия** маблағлари

330 та маҳалла кесимида тақсимланиб, “ҳоким ёрдамчи”лари етказилди. Жумладан:

Жорий йил 6 декабрдан бошлаб барча “ҳоким ёрдамчи”лари ўз ҳудудига чиққан ҳолда маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиб, аҳолини тадбиркорликга жалб қилиш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш юзасидан **ишларни бошлаб юборишди**.

Улар томонидан маҳаллаларнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб, “**ўсиш нуқта**” (“драйвер”)лари аниқланмоқда.

Аниқланган “**драйвер**” соҳалардан фойдаланиб янги тадбиркорликни амалга оширишда ташаббускорларга кўмаклашиш ва шу орқали ҳар бир маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шулар билан бирга, **жорий йилнинг 14 декабрь куни** Давлатимиз Раҳбари томонидан **хизматлар кўрсатиш** соҳаси бўйича алоҳида йиғилиш ўтказиб, соҳани ривожлантириш бўйича олдимизга жуда катта марраларни белгилаб бердилар.

Шундан келиб чиқиб, келгуси йилда хизматлар соҳасини **150 фоизга** ошириш бўйича **маҳаллабай кесимида алоҳида манзилли Дастур ишлаб чиқилади** ҳамда уни ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда ижроси таъминланади.

Ҳурматли депутатлар,

Қишлоқ хўжалиги йўналишида ҳам ишларни давом эттирамиз. Хусусан, қишлоқ хўжалиги кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича бугунги кунда агрокластер тизимини йўлга қўйилиши қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда етакчи бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлашнинг драйвери бўлиб қолмоқда.

Вилоятимизда бугунги кунда жами **42 та кластерлар** фаолият олиб бораётган бўлиб, келгуси йилда улар сони **50 тага** етказилади. Жумладан, **пахтачилик** йўналишида янгидан **4 та** кластерлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларда **3,5 минг** нафар янги иш ўринлари ташкил этилади.

Худди шундай **ғаллачилик** йўналишида ҳам кластерларимиз томонидан умумий қиймати **18,5** млрд сўмлик **3** та ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, улар ҳисобидан **100** га яқин иш жойлари ташкил этилади.

Шунингдек, 2022 йилда **мева-сабзавотчиликка** ихтисослашган кластер корхоналари сони яна **4** тага кўпайиб кластер корхоналари **11** тага етказилади ва **150** нафар янги иш ўринлари яратилади.

2022 йилда вилоят бўйича **9464** гектар **янги ер майдонлари** ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг **7464** гектарида токзорлар ва боғлар барпо этиш, **700** гектарида пистазор ташкил қилиш, **20** гектарида иссиқхона ва **1387** гектарида бошоқли ва озуқа экинлари жойлаштирилади.

Хабарларингиз бор, Давлатимиз Раҳбарининг қарорларига асосан туманлардаги фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги паст ҳосилли **пахта ва ғалла экинларидан қисқартирилган ерлар ҳисобидан** фуқароларга **10 сотихдан 1 гектаргача** бўлган ўлчамда очиқ электрон танлов орқали ижара ҳуқуқи асосида **10 йилга ижарага ажратиб бериш** белгилаб берилди.

Хусусан, вилоятда 2022-2025 йилларда жами **19560 гектар**, шундан 2022 йилда **4890 гектар** пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб аҳолига деҳқон хўжаликлари шаклида **10 йил** муддатга ажратилади.

Бугунги кунда қарор ижроси бўйича **519** та фермер хўжалиklarининг **4890 гектари** туманлар ҳокимлари заҳирасига олиниб, электрон танловларга қўйиш учун **25543** та лойиҳа (лот)лар шакллантирилди. Ҳар бир лотга ўртача **19 сотихдан** тўғри келмоқда.

Ажратиладиган ер майдонлари малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳлари томонидан ўрганилиб тупроқ шароити, ер балл бонитети, сув билан таъминланганлик даражаси, ҳудуд аҳолисининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда **“Бир ҳудуд – бир маҳсулот”** тамойили асосида **2019 гектарига** сабзавот, **721 гектарига** полиз, **365 гектарига** картошка, **1268 гектарига** дуккакли, **517 гектарига** мойли экинлар жойлаштирилади.

Ер майдонлари ажратишда шаффофликни таъминлаш, энг муҳими ажратилган ердан самарали фойдаланиб **2 баробар** даромад оладиган фуқароларни танлаб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда, биринчи навбатда “**Темир дафтар**”, “**Аёллар дафтари**” ва “**Ёшлар дафтари**”да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларни ер ажратиш орқали бандлигини таъминлаш биринчи галдаги вазифамиз ҳисобланади.

Келгуси йилда **аҳоли томорқаларидан** самарали фойдаланиш бўйича ҳам ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Хусусан, “Томорқа хизмати” корхоналари **22 тага**, “Томорқа кластерлари” **2 тага**, “Бир ҳудуд - бир маҳсулот” жорий этиладиган маҳаллалар **149 тага** етказилади.

3468 та хонадонларда ихчам иссиқхоналар қурилади, **3,0 млн.** дона мевали ва узум кўчатлари етказиб берилиб, ушбу мақсадларга **55 млрд** сўм маблағлар йўналтирилади.

104 мингта аҳоли хонадонларига **2,9 млн** туп узум кўчатлари экилади, **365 та** хонадонларга тик қудуқлар қуриб берилади.

2022 йилда аҳоли хонадонларига **600 минг** бош паранда, **14,3 минг** бош қуён, **13,3 мингта** асалари оиласи, **24,5 минг** бош қўй ва эчкилар тарқатилади.

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари,

2022 йилда маҳаллий саноатни ривожлантириш ва вилоятдаги мавжуд ресурсларни ҳисобга олиб, қиймати **5,3 трлн. сўмлик 729 та** ҳудудий **инвестиция лойиҳалари** шакллантирилиб, улар ҳисобига **10 мингдан ортиқ** янги иш ўринлари яратилилиши белгилаб олинди (2021 йилга нисбатан ўсиш **120 фоиз**).

Хусусан, **саноатда** қиймати 3,4 трлн сўмлик **217 та (6,3 мингта** иш ўрни), **хизматда** қиймати **1,1 трлн сўмлик 323 та (2,5 мингта** иш ўрни), **қишлоқ хўжалигида** қиймати **889,2 млрд сўмлик 189 та (1,3 мингта** иш ўрни) лойиҳалар амалга оширилади.

Шулар билан бирга, **2022 йилда 278,5 млн доллар (шундан, хорижий инвестициялар ва кредитлар 251,7 млн доллар)** миқдорда инвестициялар ўзлаштирилади.

2022 йилда Зарафшон шаҳар, Конимех, Қизилтепа, Навбаҳор ва Учқудуқ туманларида **1** тадан, жами **24** гектар ер майдонида **5** та “**Кичик саноат зоналари**” ташкил этилиб, зарурий коммуникация тармоқлари билан таъминлаш чоралари кўрилади.

2022 йилда **маҳаллийлаштириш** дастури доирасида лойиҳа қиймати **3052,0** млрд. сўмга тенг бўлган корхоналар томонидан **116** турдаги маҳсулотлар маҳаллийлаштирилиши ҳамда **940,0** млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши, буларнинг ҳисобига **2 500** та янги иш ўринлари яратилиши ҳамда **87,8** млн. доллар миқдорида валюта тежалишига эришиш режалаштирилган.

Ҳурматли сессия иштирокчилари,

Хабарларингиз бор, Давлатимиз Раҳбарининг ташаббуслари билан жойларда “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтлар”лари ташкил этилиб, уларга манзилли тарзда кўплаб амалий ёрдамлар бериб келинмоқда.

2021 йил 1 декабрь ҳолатига “**темир дафтар**”даги эҳтиёжманд оилалар таркибида бўлган меҳнатга лаёқатли ишсизларнинг **22919 нафари (99,5%) бандлиги таъминланди.**

Шунингдек, бугунга қадар, камбағаллик даражасини қисқартириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида **Халқ депутатлари** туман (шаҳар) Кенгашининг тегишли **қарорлари** билан қўшимча даромадлар манбаи яратилган **19377 та** эҳтиёжманд оиланинг (**19582 та** камбағал оилаларга нисбатан) ёки “темир дафтар”даги оилаларнинг **99 фоизи камбағалликдан чиқарилди.**

Ҳозирда “темир дафтар”да қолаётган **205 та** (749 нафар оила аъзоси) эҳтиёжманд оилаларни турмуш ҳолатини яхшилаш бўйича барча зарурий чора-тадбирлар (жумладан, моддий ёрдам кўрсатиб бориш, озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлаш, кўрикдан ўтказиб тиббий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ижтимоий муаммоси ечими ишлари) амалга оширилади.

Ёшлар дафтари бўйича, Юртбошимиз ташаббуси билан вилоятдаги **330 га** маҳаллаларнинг ҳар бирида Ёшлар ишлари агентлигининг вакиллари келгуси йил 1 январидан иш бошлайди.

Ҳар бир секторда ишсиз ёшлар ва таълим муассасалари битирувчиларини “Ёшлар дафтари” электрон платформасига **киритиш** ва уларни тизимли юритилиши амалга оширилади.

Ҳоким ва сектор раҳбарлари томонидан **ҳар ҳафтада биттадан маҳаллаларда** ёшлар билан очик мулоқотлар ташкил этилади ҳамда уларнинг мавжуд муаммолари ҳал этиб борилади.

2022 йилда **5,0 минг** ёшлар тадбиркорликка ўқитилади, “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан **6,0 млрд.** сўм миқдоридан **субсидиялар** ажратилади.

“Ёшлар дафтари”га киритилган ва касб-ҳунар ўрганишга эҳтиёжи бор **2,1 минг** нафар ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-йўналишлари бўйича қўшимча касб бериш ва уларни қайта тайёрлаш курсларида ўқитилади.

Худди шундай, **хотин-қизларни янада қўллаб-қувватлаш**, уларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, ўз ўрнида ва сифатли амалий ёрдам кўрсатишдаги амалий ишлар **2022 йилда ҳам давом эттирилади.**

Жумладан, келгуси йилда **12 мингга** яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизларнинг **бандлигини** (мавжуд бўш иш ўринлари, тадбиркорлик, касб ҳунарга ўқитиш, томарқадан самарали фойдаланиш орқали) **таъминлаш чоралари кўрилади.**

2 мингдан ортиқ боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларга, уй-жойини таъмирлашга муҳтож 1- ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган аёлларга, қарамоғида ногиронлиги бўлган болалари мавжуд аёлларга **моддий ёрдамлар кўрсатилади.**

Қарийб **200 га** яқин турар-жойи мавжуд бўлмаган аёлларга яшаш турар жой учун **ижара тўловлари** тўлаб берилади.

5 минг нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар **тиббий, ҳуқуқий ва психологик** томондан қўллаб-қувватланади.

Хурматли фаоллар,

Бугунги кунда вилоятимизда **ишсиз аҳоли** сони **39,4** мингтани, **ишсизлик даражаси** эса **8,8** фоизни ташкил этмоқда. Шунингдек, келгуси йилда **25,0** минг нафар мактаб, техникум битирувчилари, **956** нафари ҳарбий хизматдан қайтадиган, **5745** нафар чет эллардан қайтиши кутилаётган фуқароларимиз, умуман олганда **меҳнат бозорига** жами **34852** нафар фуқароларимиз кириб келиши кутилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **2022 йилда 60845 нафар иш ўринларига эҳтиёж кутилмоқда.** Шунга кўра, келгуси йилда **60486 нафар аҳоли бандлигини таъминлашни** ўз олдимизга мақсад қилиб олдик. Жумладан,

560 млрд.сўм кредит маблағлари ажратилиб, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига **20 минг та,** йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига **2,3 минг та,** ҳудудий инвестиция лойиҳаларини ташкил этиш ҳисобига **9,0 минг та,** аҳолига ер майдонлари ижара асосида ажратиб бериш орқали **27,9 минг та,** инвестиция дастуридаги ижтимоий соҳа объектларини қурилиши ҳисобига **397 та,** касб-ҳунарга ўқитиш ва ҳунармандчилик ривожлантириш орқали **4,5 минг та** янги иш ўрни яратилиб, аҳоли бандлиги таъминланади.

Ушбу белгиланган режаларимизни амалга оширилиши натижасида **келгуси йилда ишсизлик даражасини 5,3 фоизгача** пасайтирилишига эришилади.

Булардан ташқари, **жорий йилнинг 14 декабр куни** Давлатимиз Раҳбари бошчилигида ўтказилган селектор йиғилишида 2022 йилда Республика бўйича **6,0 млн** дан зиёд **янги иш ўринлари** ташкил этилиши, ҳар бир комплекслар кесимида қанчадан иш жойлари яратилиши бўйича аниқ эга-кесими билан топшириқ бердилар.

Шундан келиб чиқиб, вилоят ҳокими ўринбосарлари ҳамда шаҳар, туман ҳокимларига топшириқлар бериб, вилоятимиздаги барча имконият ва резервларимизни қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда **келгуси йилда қанча янги иш ўринлари яратилиши бўйича ҳисоб-китобларни олиб бораяпмиз.**

Тез орада ушбу ҳисоб-китобларни тугаллаб, маҳаллабай ва соҳалар кесимида келгуси йилда аҳоли бандилигини таъминлаш бўйича режаларимизни аниқлаштириб, **барча ҳокимлари билан бирга** Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрациясида ҳимоя қиламиз.

Ҳурматли сессия иштирокчилари,

Ҳозирги кунда вилоятда уй-жойга бўлган талаб юқорилиги барчамизга маълум.

2022 йилда вилоят аҳолисига **муносиб яшаш шароити яратилиб**, инфратузилма билан боғлиқ масалалар ҳал этилишини мақсад қилганмиз.

Жорий йилдан бошлаб, **Кармана туманида “Бағдод тажрибаси”** асосида уй-жойлар, ишлаб чиқариш, саноат ва ижтимоий инфраструктура объектларини ўз ичига олган **Янги Ўзбекистон массивлари** барпо этилиши бўйича ишларни бошлаб юбордик.

“Янги Ўзбекистон” массиви қурилишида инфратузилма ва коммуникация тармоқлари қулай жойлашганлигини ҳисобга олган ҳолда вилоятнинг **Кармана тумани “Дўстлик” МФЙ** ҳудудидан **21 гектар** ҳамда Қизилтепа туманининг **“Малиқобод” МФЙ** ҳудудидан **20 гектар** жами **41 гектар** ер майдони танлаб олинди. Бунда,

Кармана тумани “Дўстлик” МФЙ ҳудудидаги массив бўйича 2022-2026 йилларда жами **54 та** 5 қаватли жами **1080 та** хонадонли турар-жой бинолари қурилиши режалаштирилган бўлиб, шундан, дастлабки босқичда **2022 йилда 20 та** 5 қаватли **400 хонадонли** уй-жойлар қурилиши белгиланган.

Ушбу массивда **1 та 1056 ўринли** умумтаълим мактаби, **120 ўринли** мактабгача таълим муассасаси ҳамда **100 қатновли** оилавий поликлиника бинолари барпо этилади.

Кейинги босқичларда (2023-2026йй) ушбу ҳудудда қолган яна **34 та** 5 қаватли **680 хонадонли** турар-жойлар, маҳалла фуқаролар йиғини, коворкинг маркази, маданият уйи, сунъий қопламали футбол

майдончаси, бозорча, умумий овқатланиш, савдо маркази, маиший хизмат кўрсатиш биноси, дорихона бинолари қурилиши кўзда тутилган.

Танланган массивни муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш мақсадида **1,5 км** автомобиль йўли, **4 км** ичимлик суви тармоғи ва **1 та** сув иншооти, **2 км** оқова суви тармоғи, **5,8 км** электр тармоғи, **2,9 км** табиий газ тармоғи ҳамда **2 км** алоқа тармоқлари ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур ишларга жами **19,7 млрд.** сўм маблағлар йўналтирилади.

Ўз навбатида, массив ҳудудида қайд этилган бир қатор бозор инфратузилмаси ва маиший хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига **200 га** яқин **янги иш ўринлари** ташкил этилади.

Худди шундай, **Қизилтепа тумани “Малиқобод” МФЙ** ҳудудида 2022-2026 йилларда жами **53 та** 5 қаватли **1060 та** хонадонли турар-жой бинолари қурилиши режалаштирилган бўлиб, шундан дастлабки босқичда **2022 йилда 10 та** 5 қаватли **200 хонадонли** уй-жойлар қурилиши белгиланган.

Шу билан бирга, ижтимоий соҳа объектлари бўйича **990 ўринли** умумтаълим мактаби, **120 ўринли** мактабгача таълим муассасаси ҳамда **100 қатновли** оилавий поликлиника бинолари барпо этилади.

Ўз навбатида, массив ҳудудида қайд этилган бир қатор ижтимоий ишлаб чиқариш, бозор инфратузилмаси ва маиший хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига **1070 га** яқин **янги иш ўринлари** ташкил этилади.

Жумладан, ушбу массивга яқин ҳудуддаги **4 гектар** ер майдонида “**Ёшлар кичик саноат зонаси**” ташкил этилиб, ушбу саноат зонасида **43 та** лойиҳани амалга ошириш ҳисобига **270 дан** ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

“**Обод қишлоқ**” ва “**Обод маҳалла**” дастурларини амалга ошириш мақсадида келгуси йилда **22 та** қишлоқ ва маҳаллалар танлаб олиниб, уларда **326,7 млрд** сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

Бунда, **361,4 км** автомобил йўллари, **242 км** ичимлик сув тармоқлари, **24,5 км** газ тармоқлари, **364 км** электр тармоқлари

тортилиши ҳамда **23 та** мактаб, **12 та** МТТ, **10 та** тиббиёт ҳамда **13 та** маҳалла бинолари қурилиши ва таъмирланиши режалаштирилган.

Хурматли фаоллар,

Давлатимиз Раҳбарининг ташаббуслари билан, “**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳаллаларда дарахт экиш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари олиб борилмоқда.

Жори йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумларида **14,1 млн** дона манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатлари ҳамда қаламчаларини экишни режалаштириб олганмиз. Шундан, жорий йил якунига қадар **5,3 миллион** туп дарахт ва буталарни экишни тугаллаб, келгуси йил баҳор ойларида яна **8,8 миллион** туп мевали ва манзарали дарахт ҳамда буталар экилади.

Худудларда экиладиган кўчатларни бехато униб чиқишини таъминлаш мақсадида ёзги мавсумда кўчатларни парваришлаш, сувсизликдан қуриб қолишини олдини олиш, сув билан доимий таъминлаб туриш юзасидан кўчат экилаётган майдонлар контурлар кесимида хариталари ишлаб чиқилиб, вилоят, туманлар сектор раҳбарлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, бириктирилиб уларга алоҳида топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

2022 йилда “**Яшил майдонлар**”ни суғориш учун, кўчалар ичида суғориш тармоқлари барпо этилиб, сув таъминоти оғир худудларда **тик қудуқлар** қурилади.

Шунингдек, **18 та** жойда **120,5 гектар** майдонда янгидан ташкил этиладиган “**Яшил майдонлар**”да ҳамда **17 та 48,2 гектар** майдонда барпо этиладиган “**Жамоат парклари**”да **томчилатиб** суғориш тизими жорий этилади.

Хурматли депутатлар,

Келгуси йилда **инфратузилмани яхшилаш** билан боғлиқ ишларни аниқ ҳисоб-китоблар асосида давом эттирамиз.

Жумладан, 2022 йилда **365,2 млрд** сўм маблағ ҳисобига **1151 км** узунликдаги **автомобиль йўллари**ни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилади.

"Обод қишлоқ" дастурлари доирасида **63,0** млрд сўм маблағ эвазига **242,4** км ичимлик сув тармоқлари ҳамда **15** та сув иншоотлари қурилади, **32,7** млрд сўм эвазига "Инвестиция" дастури доирасида **106,3** км ичимлик ва **46** км оқава сув тармоқлари тортилади.

Электр энергия таъминотини яхшилаш мақсадида, **974,7** км маънан эскирган электр тармоқларини янгилаш, **253** дона трансформаторларни ҳамда **3** дона подстанцияларни янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун **187,8** млрд сўм маблағ сарфланади.

Худди шундай, **соғлиқни сақлаш соҳасида** ҳам 2022 йилда қатор вазифаларни режалаштириб олганмиз. Хусусан, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида, **16** та янги **оилавий шифокорлик пункти** ҳамда **4** та **оилавий поликлинаклар** ташкил этилади.

Келгуси йилда **буйрак кўчириб ўтказиш** амалиётини тўлақонли йўлга қуйиш, **Кардиология** илмий-амалий маркази фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган.

Шу пайтгача Навоий шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатадиган алоҳида касалхонанинг бўлмаганлиги аҳолини қийнаб келаётган муаммолардан бири эди. Шу сабабли, 2022 йилда **Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси таркибида** **40** ўринли туғруқхона ва **70** ўринли **жаррохлик, терапия, болалар бўлимлари** ўз фаолиятини бошлайди.

Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини қошида тиббиёт бригадалари, маҳалла мутахассислари ва маҳалла фаолларидан ташкил топган **"Саломатлик тарғиботчилари"** фаолиятини ташкил этилади.

Ҳафтанинг ҳар шанба кунини маҳаллада **"Соғлом ҳаёт"** деб эълон қилиб, бунда оммавий спорт мусобақалари, тиббий маданиятни шакллантириш бўйича **тарғибот тадбирлари** мунтазам ўтказиб борилади.

Она ва бола саломатлигига қаратилаётган алоҳида эътиборни давом эттирган ҳолда, ҳомиладор аёллар таркибида фоллий кислотаси мавжуд

бўлган умумий соғломлаштирувчи **поливитаминларнинг махсус тўпламлар** билан узлуксиз таъминланади.

Бундан ташқари, замонавий тиббиётни жорий қилиш мақсадида, **“Электрон поликлиника”** ахборот тизимига ҳар бир фуқарони ID картасидаги рақами билан тизимга кириб **электрон навбатга ёзилишини** йўлга қўйиш ҳамда фуқаро муассасага кирган вақтида ID картани ўқийдиган махсус қурилма (Card Reader) ўрнатиш ишлари ташкиллаштирилади.

Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга тўхталадиган бўлсак, жами **167 та**, хусусан **8 та** давлат, **2 та** хусусий, **7 та** йирик давлат-хусусий шериклик асосидаги ва **150 та** оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини, шунингдек **12 та** мобиль ва **51 та** бепул бир йиллик мажбурий таълим гуруҳларини ташкил этиш орқали қўшимча **6424 та** янги ўрин (қувват)лар яратиш, **қамров даражасини қўшимча 6,4 фоизга** ошириб, **2022 йил якуни бўйича 93,6 фоизга** етказиш режалаштириб олинган.

Шунингдек, Жаҳон банкининг "Болаларни эрта ёшдан ривожлантиришни такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида вилоятдаги давлат МТТларининг **349 та** тайёрлов гуруҳларини **20 турдан** ортиқ зарур мебел жиҳозлари, ускуналар ҳамда ўқув қўлланма материаллари билан таъминланади.

Вилоятдаги **60 та** давлат мактабгача таълим ташкилотлари **“Аутсорсинг” усулига** ўтказиш, яъни давлат МТТларининг ошхоналарини фойдаланиш учун тадбиркорлик субъектларига ноль ставкада ижарага бериш ишлари амалга оширилади.

Худди шундай, 2022 йилда вилоят **халқ таълими соҳаси**да ҳам бир қатор амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар мақсад қилганмиз.

2022 ўқув йилида мактаб битирувчиларининг **олий таълим муассасаларига қамраб олиш кўрсаткичи 63 фоизга** етказилади.

204 та умумтаълим мактабларида локал тармоқ ўтказилиши ҳамда дастурлаш тилларини ўқувчиларга ўргатиш мақсадида, ҳар бир

тумандан **15** тадан информатика ўқитувчилари **C++** ва **Scratch** дастурлаш тилларига ўқитилади.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари,

Давлат органларининг маҳаллий кенгашлар ҳамда жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш билан тадбирлар давом эттирилади.

Хусусан, маҳаллий Кенгаш ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини, шу жумладан қонунларга риоя этилиши, маҳаллий Кенгаш қарорларининг ва доимий комиссиялар тавсияларининг бажарилиши юзасидан **ҳисоботлари эшитиб борилади.**

Шу билан бирга, келгуси йилдан **ҳар ойда камида бир маротаба** ҳар бир комплекс раҳбарларининг, яъни **1** нафар **вилоят ҳокимининг ўринбосарлари**, **2** нафардан **бошқарма, корхона раҳбарларининг** ҳисоботлари эшитиб бориш тизими йўлга қўйилади.

Давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, халқ манфаатларини инобатга олган ҳолда, қарорлар қабул қилиш ва давлат ҳокимияти органларида шаффофликни таъминлаш йўлида кенг кўламдаги ислохотлар давом эттирилади.

Шу нуқтаи назардан, давлат ҳокимияти органлари устидан **жамоатчилик назоратини** ўрнатиш мақсадида, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари мажлисларини (сессияларини) телевидение ва интернетдаги ижтимоий тармоқлар орқали **тўғридан-тўғри эфирга** узатиш йўлга қўйилади.

Шу орқали жамоатчилик халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари мажлисларида (сессияларида) қандай масалалар кўрилаётганлиги ва бу бўйича Кенгаш томонидан қандай қарорлар қабул қилинаётганлиги бўйича **бевосита хабардор бўлиб боришади.**

Хурматли фаоллар,

Давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича ҳам тизимли ишлар давом эттирилади.

Жумладан, Давлатимиз Раҳбарининг қарорига асосан вилоят ҳокимининг ўринбосарлари фаолиятини **энг муҳим самарадорлик**

кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш тартиби жорий этилади ва ўринбосарларнинг фаолияти ҳар чорак якуни бўйича маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари йиғилишларида танқидий муҳокама қилинади ҳамда баҳоланади.

Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, намунали ва ташаббускор **секторларни рағбатлантириш тизими** жорий этилади. Баҳолаш натижалари бўйича **республика даражасида “энг намунали сектор”** номинациясида ғолиб бўлган секторлардан 1-ўрин учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **500** баравари миқдорида, 2-ўрин учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **400** баравари миқдорида, 3-ўрин учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **300** баравари миқдорида пул маблағи билан рағбатлантирилади.

Баҳолаш натижалари бўйича **вилоят даражасида “энг ташаббускор сектор”** номинациясида ғолиб бўлган секторлар 1-ўрин учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **200** баравари миқдорида, 2-ўрин учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **150** баравари миқдорида, 3-ўрин учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **100** баравари миқдорида пул маблағи билан рағбатлантирилади.

Давлатимиз Раҳбарининг жорий йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ-5177-сон** қарорига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда **ишга қабул қилишни очик танлов асосида амалга ошириш** ишлари янада жадаллаштирилади ва давлат фуқаролик хизматига ишга киришнинг очик ва шаффоф тизими тўлиқ таъминланади.

Булардан ташқари, маҳаллий ҳокимликларнинг барча ўрта бўғин бошқарув ходимларининг малакасини ошириб, **давлат хизматчиларининг хорижда стажировка ўташлари** ташкил этилади.

Келгуси йилдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотларига ходимларни ишга қабул қилишда уларни **хорижий тилларни билиш даражасига** алоҳида эътибор қаратилади.

Хурматли фаоллар,

Шу ўринда **жиноятчиликнинг олдини олиш ва камайтириш** бўйича кўрилатган чоралар ва келгусидаги вазифаларга эътиборларингизни қаратмоқчиман.

Хусусан, вилоят ҳудудида қайд этилган **2429 та** жиноятнинг **560 таси (29,5%)** маҳалла ҳудудида содир этиладиган жиноятлар турига кириб, ушбу жиноятлар вилоятдаги жами маҳаллаларнинг **63,5 фоизда** содир этилган.

Вилоятда жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликлар олдини олиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилишига қарамасдан минг афсуски ҳанузгача жиноят кўрсаткичлари кўплигича қолмоқда.

Келгусида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни барвақт олдини олиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- “Оила – турмуш” доирасидаги, яъни ака-ука, эр-хотин, ота-бола, яқин қариндошлар, шунингдек қўни-қўшнилар ўртасида узоқ вақтдан буён давом этиб келаётган ўзаро келишмовчиликларни олдини олиш мақсадида, уларнинг рўйхатларини шакллантириб, маҳаллаларда яраштириш ишлари самарадорлигини ошириб, маҳаллада обрў-эътиборга эга кишиларнинг маслаҳат ва кўмагидан фойдаланиш, ҳуқуқбузарликлар муҳокамаларининг **таъсирчанлигини ошириш чоралари** кўрилади;

- жиноят ва ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида муҳокама қилиб, муҳокамаларда сектор раҳбарлари, маҳалла раиси ва фаоллари, имом-хатиблар иштирокини таъминлаб, **маҳаллаларда умуман жиноят содир этилмаслик чора-тадбирларини белгиланади**, ҳудудларда самара берадиган иш тажрибалари оммалаштирилади, уларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш ва муҳокамаларни **таъсирчанлигини** оширилади;

- ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятларни олдини олиш мақсадида, таълим муассасалари ва маҳаллаларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни янада ривожлантириш тарғибот ишлари **жадаллаштирилади;**

- ёшлар томонидан содир этилган жиноятларнинг аксарияти уюшмаган ёшлар томонидан содир этилаётганлигини инобатга олиб, ҳудудлардаги сектор раҳбарлари томонидан ушбу тоифадаги ёшларни аниқлаб, уларни иш билан таъминлаш, уларни касбга, таълимга йўналтириш чоралари кўрилади.

Ҳурматли анжуманимиз иштирокчилари,

Албатта, юқорида таъкидланиб ўтилган режаларимизни амалга оширилиши натижасида, вилоятда **2022 йилда**

ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми **54,8 трлн сўмни** ташкил этиши ва ўсиш суръати **105,6 фоизга**; саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **94,7 трлн сўмга** ва ўсиш суръати **107,3 фоизга**;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **12,7 трлн сўмга** ва ўсиш суръати **102,8 фоизга**;

қурилиш ишлари **4,7 трлн сўмга** ва ўсиш суръати **104,3 фоизга**;

хизматлар ҳажми **11,1 трлн сўмга** ва ўсиш суръати **150 фоизга** ўсишига эришилади.

Шу билан бирга, келгуси 2022 йилда **бюджет даромадлари ҳам 3,1 трлн сўм**, маҳаллий бюджет даромадлари эса **2,2 трлн сўмга** етказилади.

Ҳурматли фаоллар, сессия иштирокчилари,

Бугун биз олдимизга улкан марраларни қўйдик, бу марраларни забт этишда Давлатимиз Раҳбари томонидан **барча имконият ва шароитлар яратиб берилган.**

Агар биз бир ёқадан бош чиқариб, бошланган ҳар бир ишимизни тизимли йўлга қўйиб, талабчанликни ошириб, сидқидилдан, содиқлик билан ҳаракат қилиб, бажарсак – **халқимиз олдида, Ҳурматли Юртбошимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади.**

Сиз азизлар билан, шундай мураккаб, синовли, ва оғир ўтаётган 2021 йил якунида ва янги йил арафасида турибмиз.

Сизларни кириб келаётган 2022 йил билан вилоят ҳокимлиги ва халқимиз номидан муборакбод этаман. Янги йил вилоятимизга **қут-барака олиб келсин, халқимиз дастурхони тўкин-сочин бўлсин, тинчилигимизга кўз тегмасин**. Ҳаммаларингизга оилавий бахт, фарзандлар камолини кўриб юриш насиб этсин.

Бу залворли ишларни амалга оширишда ҳаммаларингизга соғлиқ, омонлик, бахт-саодат, зафар ва омадлар тилайман.

Эътиборларингиз учун раҳмат.